

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

**№ S/4 (3) - 2023**

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

*№ 5/4 (3) - 2023*

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшилик Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Аббасов Беҳзод Бахтиёрович*  
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ  
ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ  
БОШЛАНИШИ ..... 10-21
- Бабалжанов Хасан Бахтиёрович*  
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ  
ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ ..... 22-27
- Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*  
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ..... 28-36
- Rasulov Ma'murjon Foziljonovich*  
O'ZBEKISTONDA XALQARO SAYYONLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS  
OBJEKTLARINING O'RNI ..... 37-42
- Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна*  
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ  
ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ..... 43-51
- Esonov Ziyodbek Yuldashevich*  
FARG'ONA VODIYSI QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN ..... 52-58
- Фарманова Гульнара Комилевна*  
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА  
АФРАСИАБЕ ..... 59-65
- Turaev Sherzod Gulboy ugli*  
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN  
OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH ..... 66-71
- Сотиболдиев Файратжон Отамирзаевич*  
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА  
ЕЧИМЛАР ..... 72-78
- Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich*  
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ  
ТАВСИФИ ..... 79-90
- Абдуллажанова Нигорахон Турдалиевна*  
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН ..... 91-95
- Дониёров Носиржон Абдухолиқ ўғли*  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН ..... 96-102

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқулова*  
ИСЛОМИЙ СУҒУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 103-109

<i>Фозилов Умид Закирович</i> БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ .....	110-118
<i>Shoyev Davronbek Axmadjonovich</i> BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA “MENEJMENT LABORATORIYASI”NI TASHKIL QILISHNING O‘RNI .....	119-125
<i>Орзукулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи</i> ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ .....	126-133
<i>Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur</i> O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONIYATLARI .....	134-139
<i>Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o‘g‘li</i> YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI .....	140-146
<i>Ёдгорова Шахноза Хайридиновна</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ .....	147-155
<i>Qurbonov Ma‘murjon G‘ayrat o‘g‘li</i> ASOSIY ISHLAB CHIQRISH KO‘RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI .....	156-166
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i> BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O‘ZBEKISTON TURIZMI RIVOJLANISHIDAGI ANAMIYATI .....	167-172
<i>Маматов Бахадир Сафаралиевич</i> РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ .....	173-188
<i>Ғойипназаров Санжар Баходирович</i> ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	189-195
<i>Садинов Азиз Зиядуллаевич</i> ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	196-203
<i>Қурбонова Раҳима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Хакимов Дамир</i> ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ .....	204-216
<i>Asatxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o‘g‘li</i> YASHIL IQTISODIYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSIYALARNI YO‘NALTIRISH ZARURIYATI .....	217-222

*Исломов Алишер Бахтиёр ўғли*  
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ  
ТАЪМИНЛАШ ..... 223-229

*Agzatova Nargiza Garurovna*  
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN ..... 230-237

*Муродова Дилноза Чориевна*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ  
ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ..... 238-245

*Khodjaeva Shodiyabonu Abitdjanovna*  
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING  
FUNKSIYALARI ..... 246-250

### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна*  
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ  
ЎРНИ ..... 251-259

*Ibroximov Sarvar Mo'yudinjon o'g'li*  
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK  
TEKNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI  
TAKOMILLASHTIRISH ..... 260-265

*Yuldashev Ibroxim To'uchiyevich*  
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO  
UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING  
MUSHTARAKLIGI ..... 266-271

*Khamdamova Sitora Safarovna*  
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA  
XOSLIGI ..... 272-277

*Абдуллаев Джасур Абдиваит ўғли*  
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО  
ЧЕЛОВЕКА ..... 278-283

### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Xasanov Akbarjon Abdurashidovich*  
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK  
BIRLIKLAR BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR ..... 284-292

*Qurbonova Muharram Jurabekovna*  
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI ..... 293-297

*Сафарова Замира Рустамовна*  
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК  
ТАСНИФИ ..... 298-304



<i>Gubaydullin Artur Faridovich</i> THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS' ....	305-313
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi</i> ETEL LILIAN VOYNICHNING “SO’NA” ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ...	314-318
<i>Seytnazarova Injayim Erjanovna</i> TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDA LMALARNING USLUBIY QO’LLANILISHI .....	319-325
<i>Асадова Дилбархон</i> ЎРХОН ПАМУҚНИНГ “ҚОРА КИТОБ” РОМАНИДА “ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ” МОТИВИ .....	326-342
<i>Khusanov Eldor Davlat o’g’li</i> BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALARINING O’XSHASH VA FARQLI JIHATLARI .....	343-348

### **12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Утемуратов Махмут Ажимуратович</i> ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ .....	349-355
<i>Шымбергенова Улзада</i> ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	356-362
<i>Полвонов Нажмиддин Аслиддинович</i> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ .....	363-372
<i>Мирзаев Шухрат Шавкатович</i> КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ .....	373-382
<i>Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли</i> “ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ” .....	383-392
<i>Махмудов Суннат Азим ўғли</i> ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ .....	393-399

### **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Farrux Axmedov</i> XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH .....	400-409
<i>Музафарова Саодат Хайдаровна</i> ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ .....	410-415



<i>Xaydarova Iroda Nizomiddinovna</i> BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ...	416-421
<i>Шукурова Нафиса Алишеровна</i> ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ .....	422-427
<i>Nigmanov Bori Botirovich</i> FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING AHAMIYATI .....	428-433
<i>Муродова Дурдона Раимжон қизи</i> БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ .....	434-438
<i>Axmedov Alisher Nosir o'g'li</i> ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI .....	439-447
<i>Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi</i> BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH MEKANIZMLARI .....	448-452
<i>Mansurbekova Feruza Gayratovna</i> BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	453-456
<i>Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna</i> O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI .....	457-465
<i>Atamuratova Munira</i> O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJIY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL METODLAR TAVSIFI .....	466-471
<i>Нурилло Эминов</i> ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА БИР НАЗАР .....	472-476

12.00.00 – Юридик фанлар

**Шымбергенова Улдада**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни  
муҳофаза қилиш Академияси тингловчиси  
Email: [chelly.5212@gmail.com](mailto:chelly.5212@gmail.com)  
Тел: +998907245212  
ORCID: 0000-0002-7942-0969

**ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА  
МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада тергов ҳаракатларида педагог (психолог)нинг иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган. ЖПКда педагог ва психологнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасини аниқлашда ноаниқликлар мавжуд, ушбу ҳолат биринчидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг риоя қилинишига салбий таъсир қилса, иккинчидан бўлса, амалиётда уларнинг фаолияти номувофиқлигига олиб келади. Бундай ҳолатда педагог ва психологнинг процессдаги ўрнини аниқлаш, уларнинг функцияларининг аҳамиятини тушиниш, ушбу фаолиятнинг ҳуқуқларнинг доирасини аниқлаш муҳимдир.

**Калит сўзлар:** педагог, психолог, вояга етмаган шахслар, процессуал мақом, сўроқ қилиш, тергов ҳаракатлари

**Шымбергенова Улдада**  
Слушатель Академии правоохранительных органов Республики Узбекистан

**ПОВЫШЕНИЕ РОЛИ ПЕДАГОГА (ПСИХОЛОГА) В ЗАЩИТЕ ПРАВ И ИНТЕРЕСОВ  
ВЗРОСЛЫХ ПРИ ПРОВЕДЕНИИ СЛЕДСТВЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ**

**Аннотация.** В данной статье анализируются вопросы, связанные с правовым регулированием участия педагога (психолога) в следственной деятельности. Имеются неясности в определении объема прав и обязанностей педагогов и психологов в УПК, что, во-первых, негативно сказывается на соблюдении прав и интересов несовершеннолетних, во-вторых, приводит к несогласованности их деятельности на практике. При этом важно определить место педагога и психолога в процессе, понять важность их функций, определить объем прав этой деятельности.

**Ключевые слова:** педагог, психолог, несовершеннолетние, процессуальный статус, допрос, следственные действия.

**Shimbergenova Ulzada**  
Master Student of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

**INCREASING OF THE ROLE OF A TEACHER (PSYCHOLOGIST) IN PROTECTING THE  
RIGHTS AND INTERESTS OF ADULTS DURING INVESTIGATIVE ACTIONS**

**Abstract.** This article analyzes issues related to the legal regulation of the participation of a teacher (psychologist) in investigative activities. There are ambiguities in determining the scope of the rights and

obligations of teachers and psychologists in the Code of Criminal Procedure, which, firstly, negatively affects the observance of the rights and interests of minors, and secondly, leads to inconsistency in their activities in practice. At the same time, it is important to determine the place of the teacher and psychologist in the process, to understand the importance of their functions, to determine the scope of the rights of this activity.

**Keywords:** teacher, psychologist, minors, procedural status, interrogation, investigative actions.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N45>

**Кириш.** Ҳозирда жиноят-процессуал қонунчилигимизни инсонпарварлаштириш ва жиноят процесси иштирокчиларининг, шу жумладан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш алоҳида диққат қаратилиши лозим бўлган масалаларнинг бири ҳисобланади. 2022 йил ҳисоботларига кўра, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони **2404та** ҳолат қайд қилинган ва ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан **6,3%**га ўсган. Ички ишлар таянч пунктига ва инспектор-психолог хонасига келтирилган вояга етмаганлар сони эса **100065тани** ташкил қилган [1]. Буннан кўриниб турибдики, вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноятчилик тобора ўсиб, шунга яраша жиноят процессига жалб қилинган вояга етмаганлар ҳам кўпаймоқда. Бу ҳолат ўз навбатида, тергов процессуал ҳаракатларни ўтказиш чоғида ҳуқуқбузар вояга етмаган шахсларда ҳосил бўлиши мумкин булган руҳий “жароҳатлар”дан асраш учун улар билан эҳтиёткорона муносабат ўрнатиш, шунингдек уларнинг шахсига индивидуал ёндашиш талаб қилинади [2; 144-б, 3; 196-б]. Ушбу жараёнда педагогик ва психологик билим кўникмаларни қўллаш соҳасининг бевосита боғлиқлигини кўрсатади.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Мазкур мавзуга оид амалга оширилган назарий, амалий ва илмий ишлар вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар жиноят-процессуал ҳамда бошқа ҳуқуқ соҳалари билан ҳам тартибга солинади. Тадқиқот ўтказишда илимий билишнинг диалектик, расман-мантиқий, статистик ва тизимли таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Муҳокама ва тадқиқот натижаси.** Луғатга мурожаат қиладиган бўлсак, педагог (юнонча педагогос, сўзма-сўз болани етакловчи) касбий равишда педагогик ва тарбиявий ишлар билан шуғулланувчи[1]. Психолог - 1. Олим, психология фанлари бўйича мутахассис. 2. Нозик, мулоҳазали кузатувчи, инсон психологиясини, ҳиссий кечинмаларни билувчи шахс[2].

Педагог ва психологнинг вазифалари ҳам ҳар хил, чунки улар эга бўлган билимлар турлича: Жиноят процессида педагог махсус педагогик билимга ва вояга етмаганлар билан мулоқот қилиш малакасига эга бўлмаган терговчи, суриштирувчи, судья ўртасида педагогик нуқтаи назардан тўғри мулоқотни таъминлайди.

Психолог иштирокининг мақсади, бир томондан, тажовузкор хатти-ҳаракатларда, импульсивликнинг кучайиши, ҳаддан ташқари эмоционаллик каби салбий индивидуал психологик хусусиятларнинг ўзига хос шаклига эга бўлган жиноят процессининг вояга етмаган иштирокчисига малакали ёрдам кўрсатишдан иборат. Шунингдек, сўроқ ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда қийинчиликлар туғдирадиган шахснинг мавжуд руҳий бузилишини аниқлайди. Бошқа томондан, терговчига, суриштирувчига процесснинг вояга етмаган иштирокчисининг хатти-ҳаракати сабабларини тушунтиришга ёрдамлашади.

Психолог вояга етмаганнинг руҳий камчиликлари мавжудлигини эмас, балки жиний вазиятда ўз ҳаракатларининг жамият учун хавфли эканлигини англаганлиги масалаларини тўғри баҳолаши лозим [4; 401-б].

Шу билан бир қаторда, О.Алланазоров ўзининг тадқиқот натижаларида, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда педагог ёки психолог имкониятларидан фойдаланиш самарадорлиги юқори эмаслиги аксарият ҳолларда уларнинг ишда номига иштирок этиши ва баённомани имзолаш билан чегараланиши тўғрисида хулосага келган [5; 21-б].

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун, педагог ва психологнинг жиноят процессидаги мақомини аниқлаш, унинг фаолиятини баҳолашни чуқур тақоза қилади.

Педагогнинг ҳуқуқий мақоми борасида олимларнинг фикрлари турлича. Уларнинг аксарияти, хусусан, А.А. Леви, Г.И. Пичкалева, Н.А. Селиванов, педагогика ва ёшлар психологияси соҳасида билимга эга мутахассис деб ҳисоблайди [6]. Баъзи олимлар эса педагог ва психологни ягона процессуал фигура деб ҳисоблаб, умуман бир-биридан ажратмайди [7; 76-б].

Юқоридагиларга қарама-қарши фикрга М.В.Галдин ва К.А.Костенко “педагог ва психолог” турли хил билимларга ва турли даражадаги тайёргарликка эга бўлганлиги сабабли, уларнинг ҳар бири ўз касбий фаолияти соҳасига оид муаммоларни ҳал қилиши керак ва шунинг учун уларни бир-бирини алмаштириб бўлмайди деб ҳисоблайди [8; 18-б].

В.С. Артёмовнинг нуқтаи назарида, психолог ва педагогнинг иштирокини тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчилиги, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишда бир хил ёндашув мавжуд эмас [9; 133-б].

Шубҳасиз, биз психолог ва педагогнинг турли хил касбий компетенцияга эга деб қабул қиламиз ва шу муносабат билан педагог ёки психологнинг танлаш вазифасида қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши: педагог ёки психолог иштирок этишидаги мақсади, процесс иштирокчиси шахсининг хусусиятлари, унинг ривожланиш даражаси ва ёши, ҳозирги ҳолати, вояга етмаганнинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб чақириши керак деб ҳисоблаймиз.

О.В. Боровикнинг фикрига кўра, сўроқ пайтида педагог ва психологнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: кузатилаётган ўспириннинг ёш хусусиятларининг индивидуал кўринишларини тез ва тўғри ташхислаш, ундан келадиган маълумотларни экспресс таҳлил қилиш, нафақат сўзлар ёрдамида, балки мулоқот қилиш, юз ифодалари, туриш, имо-ишоралар, қарашлар, нутқнинг овоз оҳанги, ташқи кўриниши орқали ўрганиш; сўроқ қилинувчи ва сўроқ қилинувчи ўртасида психологик алоқани ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш, бу ўсмирнинг ҳаддан ташқари руҳий стрессга барҳам бериш, мулоқотда мавжуд бўлган психологик тўсиқларни бартараф этишни ўз ичига олади. Психологик алоқани ўрнатиш, биринчи навбатда, ўсмир томонидан терговчининг саволларини қабул қилишга тайёр бўлиши учун, у ҳамма нарсани айтишга, яъни жиноят иши бўйича тўғри кўрсатма беришга хоҳиш ва қатъиятга эга бўлиши учун зарурдир [10; 22-б].

Ўзининг педагогик, ўсмир психологияси соҳасидаги махсус билимларидан фойдаланган ҳолда педагог, психолог вояга етмаган шахсининг ҳаяжонланиш даражасини, сўроқни унинг ёш ва индивидуал психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда

ўтказишга кўмаклашади. Шунингдек педагог, психолог ишда ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциясини ҳам бажариши мумкин. Аслида педагог, психолог терговчига сўроқ ўтказишда ёрдам бериш учун чақирилган бўлса-да, улар сўроқ жараёнининг вояга етмаган шасхнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатишини олдини олишга ёрдам қилади [11; 401-6].

Аммо ушбу ҳолатда ҳам истиснолар мавжуд. Психолог вояга етмаган бола билан бир неча дақиқа суҳбатда терговчига бу ўсмирнинг тўлиқ психологик тавсифини бера олмайди. Натижада эса, у жабрланувчига, гувоҳга, гумон қилинувчига ёки айбланувчига на тегишли ёрдам беради, сабаби педагог ёки психолог вояга етмаган билан бир неча дақиқа давомида мулоқот қилади.

Ушбу масала бўйича илмий адабиётларни ўрганар эканмиз, биз ўсмир билан алоқа ўрнатиш, унинг тўлиқ хусусиятларини бериш учун мутахассис ўсмир билан бир кундан ортиқ мулоқот қилиш керак деган хулосага келинди. Шу билан бирга, маълумотлар у билан, унинг ота-онаси билан шахсий суҳбат пайтида ҳам, бир неча учрашувлар давомида ўсмир томонидан ўтказилган турли анкета, интервью, тестлардан ҳам фойдаланса бўлади.

Миллий қонунчилигимизда педагог ЖПКнинг 69-моддаси асосида мутахассис сифатида эътироф қилиниб, тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун чақирилиши мумкин.

Педагог ўзининг қандай мақсадда чақирилганлигини билиш; башарти тегишли билимларга эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан бош тортиш; ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга оид иш материаллари билан танишиш; ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга алоқадор арз ва мулоҳазалар билдириш; тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасида иштирок этаётган шахсларга суриштирувчининг, терговчининг, прокурор ва суднинг рухсати билан саволлар бериш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эгадир.

Педагог: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасини юритишда далилларни топиш ва мустаҳкамлаш учун илмий-техника воситалари, махсус билим ва малакаси билан фойдаланган ҳолда иштирок этиши; иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг эътиборини қаратиши; ўзи бажараётган ҳаракатлар бўйича тушунтиришлар бериши; жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, содир қилинишига имкон берган шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатсиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Психолог тўғрисида гапирадиган бўлсак, психолог вояга етмаганларнинг психологик хусусиятлари соҳасида махсус билим ва кўникмаларга эга касб эгасидир. Аммо, ЖПКнинг 69-моддасида “психолог” ишда мутахассис сифатида қатнашувчи шахс қаторида алоҳида қайд этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус давлат таълим муассасаларида психологик хизмат фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Қарорига илова қилинган Низомда психологик хизматнинг фаолияти мақсадларини ифодаланган бўлиб, ўқувчиларнинг маънавий ва ақлий ривожланиши, баркамол шахс сифатида шаклланиши, фаол ижтимоий мослашуви ва уларнинг ёш даврлари бўйича ривожланишида саломатлигини муҳофаза қилиш, узлуксиз таълим жараёнида ўзлигини англаши, индивидуал психологик хусусиятлари, шахсий имкониятлари ва қобилиятларини намоён этишлари учун психологик-педагогик шарт-шароитлар яратишдан иборатлиги кўрсатилган.

Психологнинг психологик профилактика йўналишда қуйидаги мазмунда хизмат кўрсатади:

ўқувчиларнинг тенгдошлари ва катталар билан ўзаро муносабатларида психологик шикаст етказувчи омилларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш;

ўқувчилар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича олиб бориладиган профилактика ишларида иштирок этиш;

ўқувчилар хулқ-атворидаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш, руҳий зарба, низо, салбий эмоционал кечинмалар ҳолатлари юзага келишининг олдини олиш.

Психолог вояга етмаганлар билан боғлиқ ишларда иштирок этиши учун у ривожланиш психологияси, бу ҳолда болалар ёки ўсмирлар психологияси соҳасида мутахассис бўлиши, шунингдек, вояга етмаганлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлиши керак.

Юқорилардан келиб чиқиб, психолог хизматининг роли вояга етмаганнинг руҳий саломатлигига сезиларли даражада таъсири борлигини, вояга етмаганлар билан самарали ёндаша олишга қодир бўлган шахс сифатида кўришимизга имкон берди.

Процессга педагог ёки психологни жалб қилишда яна бир баҳсли масала мавжуд бўлиб, вояга етмаган шахсга таниш ёки нотаниш педагог/психологни жалб қилиш билан тавсифланади. Кўпинча таниш педагог ўсмирни сўроқ қилишда иштирок этишга чақиришда нафақат сўроқнинг самарадорлигига ҳисса қўшишдан ташқари, балки зарар келтириши мумкин, чунки сўроқ қилинаётган шахс унга маълум бўлган фактларни айтиб беришдан уялади.

Вояга етмаганни сўроқ қилишда таниш педагогнинг иштироки номақбул бўлган ҳолларда (масалан, ўзига хос беҳаёлик ва ўз-ўзига ишонич билан жиноят содир этганда, вояга етмаган шахс таниш педагог ёки психолог билан учрашишдан уялганида), терговчи ёшлар психологияси бўйича ташқи мутахассисни таклиф қилиши мумкин. Бундай мутахассис нафақат педагогика, балки психологиядан ҳам билимга эга бўлиши керак. У терговчига вояга етмаганнинг ёш хусусиятларини, унинг руҳий ривожланиши, турмуш шароити ва тарбиясини ҳисобга олган ҳолда сўроқ ўтказишда ёрдам бериши керак.

О.Алланазаровнинг фикрича, вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчиларни сўроқ қилишда улар билан зарур психологик алоқа ўрната билмаслик, уларнинг шахсига хос хусусиятларига етарлича эътибор бермаслик тактик усуллар нотўғри танланишига олиб келиши ва оқибатида зиддиятли вазиятни юзага келтириши ҳамда маъсул шахснинг кўрсатув олиш учун қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз,

ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш каби ғайриқонуний усуллардан фойдаланишига таъсир этиши мумкин [12; 19-6].

Н.А.Курмаевнинг қайд этишича, вояга етмаганларни сўроқ қилиш тергов ҳаракатида қонуний вакилнинг иштирокига нисбатан психологнинг иштироки кўпроқ ижобий натижа беришади. Сабаби аксарият ҳолларда, сўроқ жараёнида қонуний вакилнинг иштироки вояга етмаган шахснинг уялишига ҳамда саволларга атрофлича, аниқ жавоб бермаслиги олиб келиши мумкин. Аксинча, психологнинг иштироки эса, сўроқ қилиш жараёнида вояга етмаган шахс ва терговчи ўртасида ўрнатилган контактни сақланиб туришига ижобий таъсир кўрсатади [13; 146-6].

Н.Рамазонова ҳам юқоридаги фикрга ўхшаш хулосага келган: вояга етмаган билан суҳбатлашишни талаб этувчи тергов ҳаракатлари ўтказиш чоғида психологларнинг иштирок этиши жиноятнинг тез ва тўла очилишига хизмат қилиши билан бир қаторда, вояга етмаганнинг психикасига салбий таъсирнинг олдини олишга хизмат қилади [14; 16-6].

Юқоридагиларни умумлаштирадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 554-моддасига биноан вояга етмаганларни тергов қилиш чоғида албатта ўн олти ёшга тўлмаган, шунингдек ўн олти ёшга тўлган бўлса ҳам шунингдек 16 ёшга кирган бўлса ҳам, руҳий касалликдан азоб чекаётган ёки ақлий заиф, шунингдек жинсий зўравонликка, одам савдоси қурбони бўлган вояга етмаганларга психолог ёки педагогнинг иштирок этишини мажбурий тартибда белгиланишини мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

**Хулоса.** Хулоса ўрнида, педагогика ва психология соҳасидаги мутахассисни жиноят процессга жалб қилиш вояга етмаганлар иштирокидаги жиноят ишини самарали юритишга ҳар бир иштирокчига ижобий таъсир қилади. Албатта, бир томондан бундай мутахассисларнинг вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳар бир жиноят ишини кўриб чиқишда иштирок этиши ўсмирларнинг психологик ноқулайликларини камайтиради, вазиятга мослашишига ёрдам беради. Шу билан бирга, педагог ёки психологнинг фаолияти тергов ҳаракатини амалга оширувчи шахсга вояга етмаганга тушунарли бўлган саволларни шакллантиришда ёрдам бериш, вояга етмаган сўроқ қилинаётган шахс билан психологик алоқа ўрнатиш ва бу алоқани барқарорлаштириш, вояга етмаганни сўроқ қилаётган шахснинг асоссиз ва ноқонуний руҳий таъсиридан ҳимоя қилиш, жиноят содир этиш сабаблари ва шартларини аниқлашда дастлабки тергов органларига ёрдам бериш, вояга етмаган шахснинг жиноятни тергов қилиш жараёнида кейинги хатти-ҳаракатларини башорат қилиши мумкин. Ўз навбатида, педагог ва психологнинг бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиш доирасини кенгайтириш, жумладан юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатмаларни ҳодиса жойида кўрсатиш в.х., уларга тергов ҳаракати бошланишидан олдин иш бўйича материаллар билан танишиш, вояга етмаган шахс билан тергов ҳаракатлари бошланишидан олдин яқка суҳбат ўтказиш, сўроқни кечиктириш тўғрисида асосли тавсиялар бериш сингари ваколатлари белгиланиши керак.

#### Adabiyotlar/Literatura/References:



1. <https://slovarozhegova.ru/word.php?wordid=25210>
2. URL: <http://stat.uz>
3. Мельникова Э. Б., Карнозова, Л. М. Ювенальная юстиция – охранительная и восстановительная. М.: Проспект, 2002. 272 с.
4. М.А. Шувалова. Процессуальные действия психолога и педагога в уголовном судопроизводстве. Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2019, № 6, 196-201 С.
5. Сахаддинов С. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Махсус қисм (илимий-амалий шарҳ)/ Маъсул муҳаррир: профессор Б.Х. Пўлатов. – Т.: Янги аср авлоди, 2014. - 492б.
6. Алланазаров О.Д. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштиришю юр.ф. фалсафа доктори дисс автореф.. Т. 2022. 56 б.
7. Леви А.А., Пичкалева Г.И., Селиванов Н.А. Получение и проверка показаний следователем. – М., 1987. – С. 8.
8. Тетюев С.В. Допрос несовершеннолетнего обвиняемого в стадии предварительного расследования (процессуальный и криминалистический аспекты). М.: Юрлитинформ, 2010. С. 232
9. Галдин М.В. О совершенствовании законодательства, регулирующего участие педагога и психолога в уголовном процессе / М.В. Галдин, К.А. Костенко // Российский судья. 2021. № 5. С.18–20
10. Артёмов С.В. К вопросу о законодательном регулировании участия педагога в уголовном судопроизводстве // Вестник Казанского юридического института МВД России. 2016. № 1 (23). С 129-133.
11. Боровик О.В. Особенности досудебного производства по уголовным делам в отношении несовершеннолетних. М.2006. автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. С30.
12. Сахаддинов С. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Махсус қисм (илимий-амалий шарҳ)/ Маъсул муҳаррир: профессор Б.Х. Пўлатов. – Т.: Янги аср авлоди, 2014. - 592 б.
13. Алланазаров О.Д. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштиришю юр.ф. фалсафа доктори дисс автореф.. Т. 2022. 56 б.
14. Курмаева Н.А. Проблемы участия специалиста-психолога в допросе несовершеннолетних подозреваемых и обвиняемых // Пробелы в российском законодательстве. 2009. № 1. С. 146-148.
15. Рамазонова Н.А. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубиёти. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.Т.2019. 49 б.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

*№ 5/4 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).